

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАБОЕВА ГУЛРУХ СОЛИЖОНОВА

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ВА АНТРОПОЦЕНТРИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 - Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on
Philological sciences**

Жўрабоева Гулрух Солижонова Фарғона водийси топонимларининг қиёсий-тарихий ва антропоцентриқ тадқиқи.....	3
Juraboeva Gulrukh Solijonovna Comparative-historical and anthropocentric study of toponyms of Fergana valley.....	25
Журабаева Гулрух Солижонова Сравнительно-историческое и антропоцентрическое исследование топонимов Ферганской долины.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	49

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЖЎРАБОЕВА ГУЛРУХ СОЛИЖОНОВА

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ВА АНТРОПОЦЕНТРИК ТАДҚИҚИ

10.00.01 - Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фарғона – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Fil293 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Фарғона давлат университети веб-сайти www.fdu.uz ҳамда «Ziyounet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Шукуров Раҳматилло Мирзатиллаевич
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар: Улуқов Носиржон Мухаммадалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Эназаров Толиб Джуманазарович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Жиззах давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.05.02 рақамли Илмий кенгашнинг «19» 10 2021 йил соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (993873) 244-66-02; факс: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Диссертация билан Фарғона давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (169 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй. Тел.: (99873) 244-71-28).

Диссертация автореферати 2021 йил «4» 10 куни тарқатилди.
(2021 йил «4» 10 даги 35 рақамли реестр баённомаси).



Ш.М.Искандарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
райси, филол.ф.д., профессор

М.Т.Зокиров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.н., доцент

А.Б.Мамажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида кейинги йилларда тилни, жумладан, топонимларни унинг яратувчиси бўлган инсон омилига хос индивидуал хусусиятлар, социолингвистик муҳит ҳамда халқ маданияти ва менталитети каби экстралингвистик омиллар билан алоқадорликда ўрганиш муҳим масалалардан бирига айланмоқда. Мазкур қарашлар негизда юзага келган антропоцентрик парадигма имманент ёндашув доирасида шаклланган айрим хулосаларни тубдан ўзгартириб юборди ва унга кўра тил (нутқ) эгаси бўлган инсон асосий ўринга чиқарилди. Шу нуқтаи назардан жаҳон тилшунослигида антропоцентрик парадигма доирасида яратилган топонимикага оид луғатлар, шунингдек, хариталар соҳа ривожини учун муҳим амалий аҳамиятга эга.

Дунё тилшунослигида бугунги кунга келиб антропоцентрик парадигманинг социолингвистик, лингвокультурологик, прагматик, психолингвистик, нейролингвистик каби бир қанча янги йўналишлари вужудга келган. Ҳозирги кунда ономастик кўламдаги барча бирликлар қаторида топонимларни ҳам янги парадигма асосида ўрганиш кун тартибига кўйилган. Шу боисдан ҳам топонимларнинг лингвомаданий ва социал-лисоний хусусиятларини таҳлил этиш халқнинг миллий-маданий ўзига хослиги, оламни миллий кўриш тарзи, диний-мифологик қарашлари, урф-одатлари, қадриятлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётига доир муҳим маълумотларни ўрганиш ҳамда тилнинг тадрижий такомилни ёритишда алоҳида илмий-назарий аҳамият касб этади.

Ўзбек тилшунослигида ҳозирда антропоцентрик парадигма доирасидаги изланишлар, асосан, қиёсий аспектдаги ва матн тадқиқига бағишланган ишларда кўзга ташланмоқда. Бу, ўз навбатида, топонимика соҳаси олдида республикадаги барча ҳудуд, жумладан, Фарғона водийси топонимиясини замонавий тилшунослик ютуқлари асосида тадқиқ этиш вазифасини кўймоқда. Зеро «Фарғона деганда, биз, аввало, Қубо, Марғилон, Қўқон каби кўҳна цивилизация масканларига, бой тарих ва маданиятга эга қадимий ва гўзал бир ўлкани кўз олдимизга келтирамиз... Бу диёрдаги машҳур Ахсикент, Мунчоктепа, Айритом, Муғтепа каби меъморий ёдгорликлар ўтмишда ушбу ҳудудда ўзига хос цивилизация ва бой маданият ривожланганидан далолат беради»¹. Шу маънода ўрганилаётган ҳудуд топонимларининг социолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятларини тадқиқ этиш соҳа олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 45-73.

«Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги ВМҚ-304-сон «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида Марказий Осиё топонимиясига оид дастлабки изланишлар А.Вамбери, Жюль Тоннельелар томонидан амалга оширилган². Топонимика мустақил соҳа сифатида XIX аср охири XX аср бошларида шаклланган бўлиб, А.Х.Востоков, Н.И.Надеждин, В.В.Бартольд, И.А.Шегрен, М.А.Кастрен, А.П.Дульзон, Э.М.Мурзаев, А.И.Попов, В.А.Никонов, В.Н.Топоров, А.К.Матвеев, Ю.А.Карпенко, Е.М.Поспелов, А.В.Суперанская³ каби олимлар топонимия тадқиқини унинг назарий асосларини яратиш билан ёнма-ён олиб борганлар.

Ўзбек тилшунослигида топонимларни илмий жиҳатдан ўрганиш XX асрнинг 60-йилларидан бошланган. Жумладан, Ҳ.Ҳасанов, Т.Нафасов, С.Қораев, З.Дўсимов, Б.Ўринбоев, Т.Раҳматов, Л.Каримова, Т.Эназаров, Н.Охунов, Н.Улуқов, С.Найимов, А.Туробов, А.Отажонова, О.Бегимов⁴ каби

² Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 1874. – 383 с.; Чабров Г. Из истории изучения Средней Азии (Описание Кокандского ханства Жюль Тоннелье, изданное в Париже в 1869 г.) // Известия Узбекистанского филиала географического общества. Т. IV. – Ташкент: Наука, 1962. – 190 с.

³ Надеждин Н.И. Опыт исторической географии русского мира. Библиотека для чтения. – 1837. – т.22, от.3. – 28 с.; Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – Москва: Мысль, 1974. – 382 с.; Словарь народных географических терминов. – Москва: Мысль, 1984. – 653 с.; Топоров В.Н. Из области теоретической топонимастики // Вопросы языкознания. – 1962. № 6. – С. 9-12; Дульзон А.П. Этнолингвистическая дифференциация тюрков Сибири // Структура и ист. Тюркских языков – Москва, 1971. – С. 198-208; Матвеев А.К. Ареальные исследования и этимологизация субстратных топонимов // Пробл. Картограф. В языкозн. И этнографии. – Ленинград, 1971. – С. 69-70; Никонов В.А. Введение в топонимику. – Москва, 2011. – 184 с.; Карпенко Ю.А. Топонимика Буковины. – Киев: Изд-во КГУ, 1973. – 242 с.; Поспелов Е.М. Топонимика в школьной географии. – Москва: Просвещение, 1981. – 144 с.; Суперанская А.В. Что такой топонимика? – Москва: Наука, 1985. – 182 с.

⁴ Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – 80 б.; Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области: Автореферат дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968. – 24 с.; Qorayev S. Toponimika. – Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2006. – 320 b.; Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 104 б.; Раҳматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1973. – 31 с.; Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 1982. – 96 б.; Эназаров Т. Шахрисабз худуди жой номларининг тарихий-қиёсий тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1993. – 163 б.; Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. –

олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан Ўзбекистон ҳудудидаги барча топонимлар тўпланган, уларнинг лисоний хусусиятлари, тарихи, этимологиясига оид муҳим илмий кузатишлар амалга оширилган.

Фарғона водийсининг айрим вилоят, туман, шаҳарлари топонимияси тадқиқига бағишланган ишлар эса Н.Охунов, Ж.Латипов, С.Губаева, Ю.Аҳмадалиев, А.Эргашев ва Ю.Неъматова⁵ каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Шунга қарамай, бугунги кунга қадар олиб борилган илмий изланишларда Фарғона водийси топонимиясининг даврлаштириш масалалари ҳамда уларнинг социолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятлари махсус тадқиқ этилмаган. Бу эса ушбу тадқиқот мавзусининг монографик тарзда ўрганилишини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек тили лексикологияси масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийси топонимияси материалларини қиёсий-тарихий ва антропоцентриқ парадигмаларда ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғона водийси топонимиясининг ўрганилишига доир илмий тадқиқотлар таҳлили ва тавсифини бериш;

ҳудуд топонимиясини хронологик даврлаштириш ва ҳар бир босқич топонимлари этногенезисини аниқлаш;

топонимлар таркибидаги фонетик, лексик ва грамматик ўзгаришларни таҳлил қилиш ҳамда шу асосда улардаги вариантдорликни аниқлаш;

топонимларнинг ўзига хос ментал табиати ва социал лисоний хусусиятларини очиқ бериш;

ҳудуд топонимларининг этимологияси, структураси ва ясаиш моделларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тарихий манба ва ҳужжатларда, статистик маълумотномаларда қайд этилган, мустақил изланишлар,

Тошкент, 2006. – 216 б.; Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008 – 192 б.; Туробов А.М. Самарқанд вилояти этноним ва этноойконимларининг таҳлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 21 б.; Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 6 б.; Бегимов О.Т. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашма қатлами: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 27 б.

⁵ Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989. – 56 б.; Топонимия Кокандской группы районов: Автореферат дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1978. – 23 с.; Ўзбекистон топонимияси. – Қўқон, 2005. – 90 б.; Охунов Н., Аҳмадалиев Ю. Фарғона вилояти ойконимларининг номланиш хусусиятлари. – Фарғона: Фарғона, 2010. – 128 б.; Аҳмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари. – Фарғона, 2009. – 140 б.; Латипов Дж. Топонимия города Маргилана и его окрестностей (лингвистический анализ): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975. – 26 с.; Губаева С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. – Ташкент: Фан, 1983. – 104 с.; Этнонимы в топонимии Ферганской долины: Автореф. дис. канд. истор. наук (Ин-т этнографии АН СССР). – Москва: 1973. – 20 с.; Эргашев А. Андижон вилояти этнотопонимларининг ареал-ономастик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 2012. – 135 б.; Неъматова Ю. Наманган вилояти ойконимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Фарғона, 2018. – 147 б.

диалектологик экспедициялар жараёнида тўпланган 4000 дан зиёд Фарғона водийси топонимлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Фарғона водийси топонимиясининг социолингвистик, лингвокультурологик ва структур-семантик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лингвистик тавсифлаш ва таснифлаш, статистик ва этимологик таҳлил, шунингдек, қиёсий-тарихий ҳамда антропоцентрик тадқиқ усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тарихий манба, хужжат ҳамда статистик маълумотномалар асосида худуд топонимларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари даврий жиҳатдан асосланиб, энг қадимий даврда яратилган топонимлар луғавий қатламида, асосан, суғд тили, араблар истилосидан кейин араб, форс-тожик, ўзбек, қисман мўғул, шўролар даврида эса рус тилининг таъсири кучли бўлганлиги аниқланган;

тарихий тараққиёт натижасида таркиби фонетик, лексик ва грамматик ўзгаришларга учраган ҳамда турли босқичлар бўйича бирдан ортик вариантдорлик ҳосил қилган (*Лаббайтаго // Лаббайтога; Исбосган // Избосган; Боб // Поб // Поп; Чамаш // Чамашбий // Чамоч*), турли ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра номи бутунлай ўзгарган (*Миён Рудон – Работак; Қоратена – Мўйи муборак; Оби Хон – Ўхна*) ёки объектнинг вайронага айланиши, йўқотилиши натижасида ҳозирда истеъмолдан чиққан номаълум худуд топонимлари (*Воскат, Яшўх, Ўраит, Кашўкас*) аниқланган;

антропотопоним, фитотопоним, ижтимоий-сиёсий терминлар асосида юзага келган ва касб-ҳунар номлари билан аталган топонимлар ўзгариши ҳамда номланишининг ижтимоий, сиёсий, лисоний жиҳатлари ҳар бир даврнинг тарихий, иқтисодий, маданий, мафкуравий шароитларига асосланган ҳолда далилланган;

топонимларнинг диний, миллий, этник хусусиятлари ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятини акс эттирувчи меҳнат қуроллари, кийим-кечак, таомлар, миллий ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш, савдо-сотик фаолияти билан боғлиқ тарзда юзага келган лингвокультуремалар ҳамда халқнинг мифологик ва диний қарашларини акс эттирган мифологемалар асосида очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона водийси топонимиясини тадқиқ этиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек топонимикаси бўйича муҳим илмий-назарий маълумотлар беришда, мавжуд ўқув адабиётларини мукаммаллаштиришда, ўқув қўлланма, мажмуалар яратишда ҳамда луғатлар тузишда хизмат қилиши асосланган;

тил тарихи, лексикология, этимология, диалектология, манбашунослик соҳалари учун муҳим назарий қарашларнинг шаклланишига асос бўлиши далилланган;

ҳозирда таркиби ва маъноси лисоний тадқиққа муҳтож саналган кўплаб тарихий топонимларнинг этногенезиси ва этимологияси аниқланган бўлиб,

мазкур хулосалар баъзи топонимик луғатлардаги баҳсли ўринларга ойдинлик киритиши исботланган;

объектларнинг номланиш тамойили ва мотивлари таҳлил этилиб, номинация жараёнига асос қилиб олинган жиҳатлар ижтимоий-сиёсий ва миллий-маданий нуқтаи назардан очиб берилган ҳамда лингвокультурология, социолингвистика соҳаларида ҳозирда тўлалигича ўз ечимини топмаган топонимларнинг ментал табиати, уларнинг юзага келишида ижтимоий-сиёсий омилларнинг ўрни каби масалаларга аниқлик киритиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилиши, хулосаларнинг қатъийлиги, топонимлар таҳлилига диахрон ва синхрон аспектда ёндашилганлиги ҳамда уларни қиёсий-тарихий жиҳатдан тадқиқ этиш тарихий манба, ҳужжатлар, шунингдек, статистик маълумотномаларга таянилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек тили ономастикасини топонимлар ҳақидаги илмий қарашлар билан бойитилиши, тилшуносликнинг этимология, диалектология, тил тарихи, социолингвистика, лингвокультурология соҳалари ҳамда манбашунослик бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертация материалларидан «Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)», тарих ва география ўқитиш методикаси бакалаврият таълим йўналишлари ҳамда «Лингвистика (ўзбек тили)», тарих ва география магистратура мутахассисликларида танланма фан сифатида ўқитилишида, бундан ташқари, олинган натижа ва хулосалардан ўзбек топонимикасига оид дарслик, қўлланмаларни ёзишда, «Ўзбекистон топонимларининг изоҳли луғати», «Фарғона водийси топонимларининг этимологик луғати», «Фарғона водийсининг топонимик харитаси» кабиларни тузишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийси топонимларини қиёсий-тарихий ва антропоцентриқ тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Фарғона водийси топонимларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари, топонимлар тараққиётида улар таркибида рўй берган фонетик, лексик ҳамда грамматик ўзгаришларга оид хулосалардан А-1-61 рақамли «Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш» мавзусидаги давлат амалий гранти лойиҳаси доирасидаги ўқув қўлланма, услубий кўрсатмалар ва уларнинг аудиокитоб шаклидаги нусхаларини тайёрлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 7 майдаги 02-07-1204/04-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида яратилган услубий кўрсатма ва аудиокитобларнинг илмийлиги ортган;

тарихий манба, ҳужжат ҳамда статистик маълумотномалар асосида худуд топонимларининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари даврий

жихатдан асосланиб, энг қадимий даврда яратилган топонимлар луғавий қатламида, асосан, суғд тили, араблар истилосидан кейин араб, форс-тожик, ўзбек, қисман мўғул, шўролар даврида эса рус тилининг таъсири кучли бўлганлигига оид хулосалардан И-2013-57-рақамли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг мувофиқлаштириш кўмитаси Фарғона вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери» фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳасининг «Ижтимоий экология муаммолари» йўналишида фойдаланилган (Фарғона вилояти ҳокимлигининг 2021 йил 20 августдаги 06-06/5856-сон маълумотномаси). Натижада топонимларнинг имлоси ва вариантдорлигига оид фикр-мулоҳазалар лойиҳа доирасидаги муаммоларнинг муайян даражада ҳал этилишига олиб келган;

Фарғона водийси топонимиясининг тарихий манбалари ҳамда ҳудуд топонимларининг социолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятларига оид илмий қарашлардан Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг «Очик мулоқот», «Долзарб мавзу», «Замондош», «Маънавият – қалб кўзгуси», «Кун мавзуси», «Фарғона – 24» кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Фарғона вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 4 августдаги 124-сон маълумотномаси). Натижада ушбу эшиттиришлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукаммаллашган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, жумладан, 1 та луғат (ҳаммуаллифликда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, улардан 4 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Умумий ҳажми 154 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертациянинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фарғона водийси топонимиясининг ўрганилиши ва қиёсий-тарихий тавсифи**», деб номланган биринчи бобида Фарғона водийси топонимлари (ФВТ) ни тадқиқ этган олимларнинг ишлари таҳлил этилган ва водий топонимиясининг шаклланиш ҳамда ривожланиш босқичлари, шунингдек, топонимлар тараққиётида улар таркибида рўй берган фонетик, лексик ва грамматик ўзгаришлар тадқиқ этилган.

Фарғона водийси топонимияси ўзининг қадимийлиги ва ранг-баранглиги жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади. Худуд топонимларининг келиб чиқиши бевосита Марказий Осиё тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларни тадқиқ этиш ҳамisha мутахассисларни ўзига жалб этиб келган. Мақсад ва моҳиятига кўра айнан ФВТ тадқиқи бағишланган бўлмаса-да, В.В.Бартольд, Э.М.Мурзаев, П.Б.Лурье, Ҳ.Ҳасанов, Т.Нафасов, С.Қораев, З.Дўсимов, А.Мухаммаджонов, Ш.Камолиддин, Н.Улуқов, Т.Эназаров, З.Мадраҳимов⁶ каби олимларнинг ишларида ўлканинг айрим тарихий шаҳар ва қишлоқ номлари ўрганилган.

Фарғона водийси топонимларини ўрганишда Н.Охунов, Ж.Латипов, С.Губаева, А.Эргашев, Ю.Аҳмадалиев, Ю.Неъматова каби олимларнинг хизматлари катта бўлиб, уларнинг номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳамда бир қанча мақола, қўлланма, луғатлари ушбу худудга тегишли айрим вилоят, туман, шаҳар жой номлари тадқиқи бағишланган.

«Фарғона водийси топонимиясининг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари» деб номланган биринчи бобнинг иккинчи фаслида ФВТ ривожини ўзбек топонимикасидаги даврлаштиришга оид бошқа ишлардан фарқли равишда худуд тарихига оид қадимги ёзма ёдгорликлар, хужжатлар, манбалар, шунингдек, турли статистик маълумотномаларга таянган ҳолда тадқиқ этишга ва шу асосда уларни пайдо бўлиши ҳамда луғавий қатламига кўра маълум даврларга ажратишга ҳаракат қилдик. Фарғона водийси топонимиясининг шаклланиш ва ривожланиш босқичларини қуйидаги давр манбалари асосида текширишни мақсад қилиб олдик:

1. Қадимги давр манбаларида Фарғона водийси топонимияси. Марказий Осиё, жумладан, Фарғона водийсининг тарихий топонимияси ҳақидаги энг қадимги маълумотлар Хитой солномаларида (мил. авв. II – милодий XII асрлар), илк ўрта асрларга тегишли Муғ тоғидан топилган суғд

⁶ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. – Санкт-Петербург, 1900. – 573 с.; Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. – Москва: Мысль, 1984. – 653 с.; Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: дисс. канд. филол. наук. – СПб.: Институт востоковедения РАН, СПб филиал, 2004. – 249 с.; Камолиддин Ш.С. Древнетюркская топонимия Средней Азии. – Ташкент: Шақ, 2006. – 192 с.; Қораев С. Ўзбекистон вилоятлари топонимлари. – Тошкент: O'zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2005. – 240 б.; Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – 80 б.; Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент: Мухаррир, 2009. – 432 б.; Мухаммаджонов А. «Андукон», «Андигон» ва «Андижон» топонимлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2002. – № 2. – Б. 31-35; «Кува» ёки «Қубо» топоними ва «Қубод» атамасининг этимологик асослари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – № 3. – Б. 41-46; Фарғона номининг маъносига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – № 6. – Б. 7-12; Латиф шаҳарлар // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1987. – № 12. – Б. 16-20; Марғилон – Марғинон номининг маъноси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – № 3. – Б. 39-42; Улуқов Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лисоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008 – 192 б.; Эназаров Т. Ўзбекистондаги баъзи топонимларнинг этимологик талқини. – Тошкент: Университет, 2004. – 120 б.; Madrahimov Z. Tarixiy toponimika. – Toshkent: Navro'z, 2017. – 120 b.

хужжатларида (VII аср охири ва VIII аср бошларига оид), X-XI асрларда бир гуруҳ араб сайёҳлари томонидан битилган асарлар ҳамда номаълум муаллиф қаламига мансуб форс тилида ёзилган «Худуд ул-олам» (983 йил) китобида қайд этилади⁷. Бу давр тил хусусиятларига эътибор қаратилса, уларнинг катта қисмида суғд тилининг кучли таъсири сезилади. Ушбу фаслда худуд топонимлари таркибида сермаҳсул қўлланган суғд тилига оид *-kand // -jand // -kaθ // -kat* → ‘қўрғон’, ‘шаҳар’; *-kana // -γāna // -gāna* → ‘жой’, ‘макон’; *-tān // -dān* → ‘жой’, ‘макон’, ‘дарё’; *mēθan* → ‘истеҳком’, ‘жой’, ‘қишлоқ’; *vāra // par // far* → ‘жой’, ‘истеҳком’ сингари топоформантлар таҳлилга тортилди. Хусусан, суғд топонимлари бўйича мутахассис П.Б.Лурьенинг таъкидлашича, номлар таркибида суғдийча *-kaθ // -kand* формантининг фаол қўлланиши Фарғона водийси топонимияси учун характерли хусусият ҳисобланган⁸. Мазкур топоформантлар этимологияси бўйича чуқур изланишлар олиб борган В.И.Абаевнинг кўрсатишича, у қадимги эрон тилларидаги *кан, кандан*, яъни «кавламоқ», «қазимоқ» феълидан ҳосил бўлган⁹. Ушбу феъл қайд этилган маъносидан ташқари, эрон тилларида «уймоқ», «тўдаламоқ», «йиғмоқ», «устма-уст қаламоқ» каби маъноларни ҳам ифодалаган. Т.Нафасовнинг қайд этишича, кейинчалик *ката, кат* лексемасининг «уй»; *канта, канда, кант* бирлигининг эса «қишлоқ», «овул», «шаҳар» каби семаларни англатиши, мазкур феълларнинг дастлабки маънолари билан боғлиқ бўлиб, илк даврларда кишилар ўзларининг яшаш учун мўлжалланган жойларини чегаралаш, муҳофазалаш мақсадида ўр, ҳандақ, девор, кўтарма, тупроқ ёки бошқа нарсалар билан ўраб олганлар. Ўша замон тилида эса бундай жойлар *кат* ёки *кад* деб аталар эди¹⁰.

Демак, дастлаб этимологик жиҳатдан суғдийча *кан* – «кавламоқ», «қазимоқ» феъли билан алоқадор бўлган *-кат // -канд* топоформанти топонимлар таркибида ёки мустақил ҳолда фаол қўлланиб, ДЛТ да кўрсатиб ўтилганидек, ўрта асрларда كاند *канд* – ўғузлар ва улар билан яқин турувчилар тилида «қишлоқ», кўпчилик турклар наздида эса «шаҳар» маъносини билдирган¹¹. Диссертациянинг 1.2.1-ҳамда илованинг 1-жадвалида ушбу топоформантнинг тадқиқ этилаётган манбаларда учрайдиган вариантлари қайд этилган.

Шунингдек, қадимги давр манбалари топонимиясида, юқорида санаб ўтилган суғдийча формантли номлардан ташқари, шу тил ва қадимги эроний

⁷ Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Маҳмуд, ал-Фараси ал-Истаҳарий. Китоб масалик ал-Мемалик. Изд. M.J.de Goeje, *Lingdunt Batavorum*.1870, (BGAI); Абу-л-Касим Ибн-Хаукал. Извлечение из «Китоб сурат ал-арз» Ибн Хаукаля / Перевод с арабского О.Б.Фроловой. Материалы по истории Средной и Центральной Азии X-XI вв (МИСЦА). - Ташкент, 1988; Абу-Абдуллах Мухаммад ибн Ахмед ибн Абу-Бекр ал-Мукаддаси. «Ахсан, ат-такасим фи-Маърифат ал-акалим». изд. M.J.de Goeje, BGA III. / Пперевод с арабского А.Т.Юлдашева. См. также перевод с арабского С.Волина. МИТТ. Т.1.; Худуд ул-олам. Тошкент: O'zbekiston, 2008; *The Kitāb al-Anṣāb of ‘ ABD AL-KARĪM AS-SAM‘ĀNĪ with an introduction by D.S. MARGOLIUTH. Gibb M.S., 20, 1912; ЙЎҚЎТ Б. ‘ АБД АЛЛАХ АЛ-ХАМАВЙ. Kitāb Mu‘djam al-Buldān (Jakut’s Geographisches Worterbuch) ed. F. WUSTENFELD. V. I-IV, Leipzig, 1866-1873.*

⁸ Лурье П.Б. Историко-лингвистический анализ согдийской топонимии: дисс. канд. филол. наук. – СПб.: Институт востоковедения РАН, СПб филиал, 2004. – С. 105.

⁹ Абаев В.И. Этимологические заметки // Труды института языкознания. – Москва, 1956. – С. 442-458.

¹⁰ Нафасов Т. Жанубий Ўзбекистон топонимиясининг этнолингвистик анализи. – Тошкент, 1985. – Б. 60.

¹¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. I жилд. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2016. – Б. 233.

тилларга мансуб бошқа топонимик формантлар қатнашган номлар ҳақида ҳам маълумот берилди (*диссертациядаги 1.2.2-, иловадаги 2-жадвалга қаранг*).

2. XV – XVI аср манбаларида Фарғона водийси топонимияси.

Фарғона водийси топонимияси учун бой ва қимматли материаллар бера оладиган бу давр манбалари сирасига З.М.Бобурнинг «Бобурнома» (тахм. 1518/19-1530 йй.), тарихчи Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр» (1523 й.) ҳамда 1541-1546 йилларда Муҳаммад Ҳайдар мирзо томонидан ёзилган «Тарихи Рашидий» асарларини киритиш мумкин¹². Ўрганилаётган давр топонимлари лексикаси ва тил қурилишида қисман араб тили, асосан, форс-тожик тилининг ривожланиш босқичи сезилади. Жумладан, XV – XVI аср манбалари топонимияси таркибида сермахсул қўлланган *работ* – (رباط) индикаторининг вужудга келиши ҳам бевосита араб тили билан боғлиқ бўлиб, манбаларда қайд этилган *Работак ўрчини, Работи Сарҳанг // Сарҳанг работи, Работи Рўзак, Работи Заврақ, Работ* каби топонимлар ўрганилаётган ҳудудга тегишлидир. Бундан ташқари, географик объект номлари билан бирга қўлланадиган араб тилига оид *қаср, қасаба, работ, қалъа, мавзе, масжид // мачит, вилоят, навоҳис, ҳисор, наҳр, баҳр, маҳалла // маҳаллот* каби кўплаб лексемаларнинг қайд этилиши ҳам тадқиқ этилаётган давр ёдгорликларининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Манбаларда, шунингдек, соф форс-тожикча ёки унинг элементлари орқали ҳосил қилинган водий топонимик системасига оид *Тангоб, Ҳушёр, Ҳодарвеш, Чилдухтарон, Нўшоб, Санг, Гумбази Чаман, Обдузд, Пули Равон* сингари номлар қайд этилган бўлиб, уларнинг таркибида шу тилга мансуб *танги* → `тор дара`; *об* → `сув`, `дарё`, `сой`; *пушта* → `тепалик`; *обдузд* → `жилга суви`; *банд* → `довон`, `тоғ йўли`; *руд* → `дарё`; *пул* → `кўприк`; *санг* → `тош`; *гил* → `тупроқ`; *лангар* → `муқаддас жой`, `мозор`; *гов* → `қишлоқ`, `овул`; *чорбоғ* → `боғ` каби географик терминлар фаол қўлланган.

3. XIX аср 2-ярми – XX аср бошларига оид манбаларда Фарғона водийси топонимияси. Бу давр манбалари Фарғона водийсида XVIII асрдан то XIX асрнинг 1-чорагигача ҳукм сурган Қўқон хонлиги тарихига оид асарлар¹³ ва ҳужжатларни ўз ичига олади¹⁴. Мазкур давр манбаларида учрайдиган топонимлар лексик қатламида туркий тилларнинг, жумладан, ўзбек тилининг ривожланиш босқичи сезилади. Шу ўринда яна бир маълумотни инкор этмаслик керакки, бу давр топонимларининг маълум бир

¹² Zahiriddin Muhammad Bobur. Boburnoma. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2015. – 704 b.; Гиёсиддин ибн Ҳумоиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахбори афроди башар. – Тошкент: O'zbekiston, 2013. – 1272 б.; Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 719 б.

¹³ Муҳаммадхакимхон Тўра. Мунтахаб ат-таворих. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2010. – 716 б.; Мирзоолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-хавоқин. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. – 128 б.; Ниёз Муҳаммад Хўқандий. Ибратул хавоқин. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2014. – 700 б.; Мирзо Олим Махдум хожи. Тарихи Туркистон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 242 б.; Исҳоқхон Жунайдуллохожа ўғли Ибрат. Фарғона тарихи. «Мерос» туркумидан. – Тошкент: Камалак, 1991. – 336 б.; Исҳоқхон Тўра Ибрат. Тарихи Фарғона. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 105 б.

¹⁴ Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – Москва: Наука, 1968. – 582 с.; Материалы по истории Кокандского ханства XIX в (по документам архива Кокандских ханов). – Москва: Наука, 1969. – 154 с.; Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. – Ташкент: Фан, 1973. – 388 с.

кисмида мўғул тилига оид элементлар ҳам кўзга ташланади. Сўз юритилаётган давр манбаларини кузатар эканмиз, туркий-мўғул тилига хос элементларнинг асосий қисми этник номлар сифатида кириб келганлигини кўришимиз мумкин: *Сарой, Найманча, Найман калон, Бачқир, Дўрмонча, Тўда, Қатагон ўрдаси, Баҳрин, Бўтақора, Ёбу, Калтатой, Боймоқ* кабилар.

Шунингдек, бу давр топонимларининг катта қисми ўзбекча лексемалар орқали ҳосил қилинган бўлиб, улар қуйидаги ўз қатламга оид топонимларга бўлиб ўрганилди: 1) маълум бир объектга ишора қилувчи қўрғон, қишлоқ, ариқ, кўприк индикаторлари билан ҳосил қилинган номлар: *Тўрақўрғон, Эшонқишлоқ, Тошариқ, Қўшкўприк*; 2) ернинг рельеф тузилишини англатувчи қум, тош, ер, ёзи (дашт, чўл), ёр (жар), дўнг, қақир терминлари билан ясалган топонимлар: *Қашиқакум, Тошлоқ, Ёрмазор, Оқёзи, Қақир, Дўнг қишлоқ*; 3) ранг-тус маъносини ифодаловчи сарик, қора, кўк, оқ, ола лексемалари билан ҳосил қилинган топонимлар: *Қаросув, Оқмачит, Кўктўнлик ота, Саригсув, Қизилқиёқ* ва бошқалар (*диссертациядаги 1.2.3-, иловадаги 3-жадвалга қаранг*).

4. Шўролар даврида Фарғона водийси топонимияси. Юртимизда шўроларнинг етмиш йилдан ортиқ муддатда давом этган мустамлака даври тилимизда уларнинг мафкура ва тузумига хизмат қиладиган бир талай рус тили ва у орқали бошқа Европа халқлари тилидан ўзлашган сўзлардан ташкил топган топонимларнинг ҳам пайдо бўлишига сабабчи бўлди. Э.Бегматов таъкидлаб ўтганидек, собиқ шўролар даврида юзага келган топонимлар шуниси билан характерли эдики, улар жойнинг табиий-жуғрофик хусусиятини ифодалаш, холисона номлаш учун эмас, балки мустамлакачиларнинг сиёсий ғоя ва тузумларини тарғиб қилиш учун яратилганди¹⁵. Бу даврда республикамизда, жумладан, Фарғона водийсида *Коммунистов, Совет, Коммунизм, Коммунист, Интернационал, Ильичевск, Ленин, Партизанская* сингари сунъий номлар юзага келди. Улар мафкуравий нуқтаи назардан вужудга келганлиги боис тилимизда кўп яшамади ва юртимиз мустақилликка эришгач, истеъмом доирасидан чиқиб кетди.

5. Мустақиллик даврида Фарғона водийси топонимияси. Ўзбекистон давлати истиқлолга эришгач, маънавий меросимизнинг бир бўлаги ҳисобланган топонимларга алоҳида аҳамият қаратилди. Бу даврда юзага келган топонимлар лексик қатламини миллий қадриятларимиз ва миллий ғоямизга, маданиятимиз ва қарашларимизга мос бўлган сўз ва лексемалардан таркиб топишига эътибор берилди. Бундай номларни ўз характеридан келиб чиқиб, неотопонимлар деб аташ мумкин. Неотопонимлар тил нуқтаи назаридан тадқиқ этилганда, умумистеъмомдаги лексемалар ҳисобланиб, генезисини, асосан, ўзбек, форс-тожик ва араб тилларига оид лексемалар ташкил қилади (*диссертациядаги 1.2.4-, иловадаги 7-жадвалга қаранг*).

Мазмуний жиҳатдан улар сирасига халқ қаҳрамонлари ва буюк саркардаларнинг номи билан боғлиқ ҳолда юзага келган: *Соҳибқирон Темур,*

¹⁵ Бегматов Э. Истиқлол ўлкасининг топонимик сиёсати // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – № 3. – Б. 3-9; Мустақиллик ва топонимия // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – № 5. – Б. 9-15.

Алпомиш, Тўмарис, Широқ, Муқанна, Дукчи Эшон; тарихий ва маданий қадриятларимиз билан алоқадор бўлган: *Турон, Буюк Турон, Буюк ипак йўли, Мовароуннаҳр, Сарбон, Шарқ*; миллий ғоямизни акс эттирувчи: *Ўзбекистон, Мустақиллик, Истиқлол, Истиқбол, Хумо, Миллий тикланиш* каби топонимларни киритиш мумкин.

Биринчи бобнинг учинчи фасли «Худуд топонимлари таркибидаги фонетик, лексик ва грамматик ўзгаришлар» деб номланади. Топонимлар тараққиётида илк шакли ва маъноси тамоман унутилган ёки таркиби турли фонетик ўзгаришларга учраган номлар кўп учрайди. Агар илк даврларда юзага келган ФВТ лари этногенезисига назар ташлайдиган бўлсак, улар таркибида қадимги эроний тилларга, яъни сўғд тилига оид элементлар фаол қўлланган. Бироқ даврлар ўтиши билан бу каби компонентли номлар ҳам талаффуз қулайлигига эришиш мақсадида турли фонетик ўзгаришларга учраган ва туркий тилларнинг ўзига хос лисоний хусусиятларига мослашган (*диссертациядаги 1.3.1-, илоавдаги 4-жадвалга қаранг*). Бундан ташқари, Қўқон шаҳри худудига тегишли *Ғози ёғлик* ойконимининг илк шакли *Ғозоёқли*, Учкўприк туманига тегишли *Наймас* топоними *Нон емас*, Данғара туманига тегишли *Бойдовул* ойконими *Болта овул*, Тошлоқ туманига қарашли *Бўстон* этнотопоними *Бўзтўн < Бўз тўнли* тарзида бўлиб, уларнинг этимологияси шу номдаги уруғ-қабила отлари билан боғланади. Топонимлар тараққиётида кўп учрайдиган ҳодисалардан яна бири уларнинг эллипсияга учраши, яъни қисмларининг ихчамлаша боришидир. Масалан, ҳозирда Жалақудук тумани ёки Қўқон худудларига тегишли *Ойим*, Бешариқ туманига тегишли *Капа Янги, Янги, Раққон*, Бешариқ, Учкўприк туманларига тегишли *Катта* деб аталган қишлоқ номлари мавжуд бўлиб, мазкур ойконимларнинг барчаси Қўқон хонлиги тарихига оид архив ҳужжатларида *қишлоқ* индикатори билан шаклланган ном сифатида қайд этилган: *Ойимқишлоқ* – (قىشلاق عابيم), *Капа янги қишлоқ* – (كپه ينگى قشلاق), *Янги қишлоқ* – (ينگى قشلاق), *Катта қишлоқ* – (كته قشلاق), *Рафиқон қишлоқ* – (رفقان قشلاق)¹⁶ каби.

Умуман олганда, Фарғона водийси топонимиясини тарихий тараққиёт давомида таркибида рўй берган турли фонетик, лексик ва грамматик ўзгаришларга кўра қуйидагича гуруҳлаш ўринли:

1. Дастлабки лисоний хусусиятларини ўзида сақлаб, барча давр манбаларида ўзгаришсиз ҳолда учрайдиган топонимлар: *Ўш, Сўх, Ворух, Ҳушёр, Карнон, Санг* кабилар.

2. Айрим товуш ўзгаришларига учраган ва бирдан ортик вариантдорликни ҳосил қилган топонимлар: а) бир давр манбаларида товуш ўзгаришига учраган номлар: *Прағана / Парғана / Фарғона; Бешариқ / Бешариқ; Ёрмазор / Ёрмозор; Арзиқтепа / Арзангтепа / Арзиқтепа; Турғов / Тарғова*¹⁷; б) турли давр манбаларида товуш ўзгаришига учраган номлар: икки даврга хос вариантдор номлар (*Боб / Поб // Пон*); уч даврга хос

¹⁶ Набиев Р.Н. Кўрсатилган асар. – С. 372-385; Троицкая А.Л. Кўрсатилган асар. – С. 522-525.

¹⁷ Изох: Бир даврдаги вариантдорликни кўрсатиш учун (/) белгисидан, икки ва ундан ортик даврдаги вариантдорликни кўрсатиш учун (//) белгисидан фойдаландик.

вариантдор номлар (*Қубо // Қубод / Қубо / Қува // Қува*); тўрт даврга хос вариантдор номлар (*Хавоканд / Хўқанд // Хўқон // Хўқанд // Қўқон*).

3. Бир компоненти туширилган, яъни эллипсияга учраган топонимлар: *Қамчибон Бешкапа > Бешкапа; Работи Заврақ > Заврақ; Кичик янги қишлоқ > Кичик Янги; Рафиқон қишлоқ > Рапқон* кабилар.

4. Турли ижтимоий ва сиёсий сабабларга кўра номи бутунлай ўзгарган топонимлар: *Канд – Конибодом; Миён Рудон – Работак; Қоратена – Мўйи муборак; Мингтена – Марҳамат* ва бошқалар.

5. Даврлар ўтиши билан объектнинг вайронага айланиши, йўқотилиши натижасида ёки бошқа сабабларга кўра ҳозирда бутунлай истеъмолдан чиққан номаълум ҳудуд топонимлари: *Воскат, Яшўх, Ўраит, Кашиўкас, Рангад, Тўруқшорон, Чарек, Тубкар, Шавдон, Тангий, Чавча* ва ҳ.к.

Ишнинг «**Фарғона водийси топонимиясининг антропоцентрик тадқиқи**» деб номланган иккинчи бобида топонимларнинг номланиш тамойиллари тадқиқ этилган ҳамда уларнинг социолингвистик ва лингвокультурологик хусусиятлари ёритилган.

Иккинчи бобнинг биринчи фаслида «Объектларнинг номланиш тамойиллари ва унда инсон омили» ўрганилиб, ушбу масалаларга антропоцентрик жиҳатдан ёндашилган. Топонимларнинг юзага келишида, яъни объектнинг номланишида шахс омили ва ном ўртасидаги муносабат муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу жараёни тадқиқ этиш бевосита биз сўз юритаётган антропоцентрик ёндашув доирасида иш кўришни талаб этади. Чунончи, ҳар қандай объектга ном бериш, жойнинг номланиш тамойили ва мотивларини белгилаш, албатта, инсон (номловчи) нинг фаолияти ёрдамида амалга ошади. Объектларнинг номланишида шу ҳудудда яшайдиган халқнинг дунёни миллий кўриш тарзи ва идрок интизоми, энг аввало, шу халққа оид оламнинг лисоний манзараси намоён бўлади¹⁸. Номнинг ижодкори, яъни халқ азалдан бирор жойга исм (ном) беришда маълум тамойил ва қонун-қоидаларга риоя қилади. Биринчи навбатда, шу ҳудуд учун энг эътиборли жиҳатларга: объект билан боғлиқ табиий географик, ижтимоий-иқтисодий ҳамда тарихий шарт-шароитларга эътибор қаратади. Жойни номлашда ушбу экстралингвистик омиллар асосида ўзининг тафаккури ва дунёқараши, миллий маданияти ва маънавиятига таянган ҳолда улардан энг маъқулини топонимга мотив сифатида танлайди. Айтиш мумкинки, топонимлар инсон ва уни ўраб турган моддий, маънавий оламнинг инъикоси, бошқача айтганда, шахс омилидаги ижодкорлик имкониятларининг жорийланишидир.

Географик объектларни номлаш бир-биридан тубдан фарқ қилувчи **позитивлик, негативлик, нисбийлик** каби мавжуд тамойилларга асосланиб, топонимнинг пайдо бўлишида инсон омили томонидан танланадиган мотивлар ушбу тамойиллар доирасида белгиланади.

Ушбу бобнинг иккинчи фасли «Фарғона водийси топонимиясининг социолингвистик хусусиятлари» деб аталиб, унда ҳозирда мавжуд ФВТ

¹⁸ Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2017. – Б. 143.

ларининг статистик таҳлили келтирилди (*диссертациядаги 1-иловадаги 10-жадвалга қаранг*), бундан ташқари, айрим топонимлар номинацияси билан боғлиқ ўзгаришларнинг социал-лисоний жиҳатларига ҳамда давр нуқтаи назаридан истеъмол доираси кенгайган ёки чегараланган топонимик индикатор (ТИ) ларнинг тадқиқи масалаларига эътибор қаратилди (*диссертациядаги 2.2.1-иловадаги 9-жадвалга қаранг*).

Маълумки, «ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, иқтисод, саноат, фан-техника маданиятининг ўзгариши, ўсиши, ривожланиши кабилар ҳам»¹⁹ ҳар бир даврнинг ўзига хос номлар мажмуини яратишга асосий сабаб бўлади. Топонимларнинг юзага келишида бош омил бўлган мазкур социолингвистик қонуниятлар топонимларнинг антропотопоним, фитотопоним, ижтимоий-сиёсий терминлар ҳамда касб-хунар номлари билан аталган турларини шакллантиради:

1. Киши исмлари асосида ҳосил қилинган антропотопонимлар. Антропотопонимларнинг вужудга келиши ҳам жамиятдаги маълум ўзгариш ва қонуниятлар билан алоқадор саналиб, ҳар бир даврнинг ўзига хос бу гуруҳга оид номлар қатлами мавжуд. Фарғона водийси антропотопонимларининг ижтимоий жиҳатларини 3 давр нуқтаи назаридан таҳлил қилиш мумкин: 1) Қўқон хонлиги даврида юзага келган антропотопонимлар: *Давронбек* (Қўқон ш.), *Ботирхўжа* (Учк.т.), *Ўрмонбек*, (Балиқ. т.), *Орифбой* (Қува т.), *Тўхлимерган* (Қўқон ш.); 2) собик шўролар даврида юзага келган антропотопонимлар: *Ильичевск*, *Ленинск*, *Ленин*, *Карл Маркс*, *Ленин йўли*, *Ленинбод*, *Киров*; 3) мустақиллик даврида юзага келган антропотопонимлар: *Аҳмад Фарғоний*, *Мирзо Улуғбек*, *Ал-Хоразмий*, *Маҳмуд Кошғарий*, *Соҳибқирон Темур* кабилар.

2. Ўсимлик номлари билан аталган фитотопонимлар. Фитотопонимлар яратилиш асосига кўра кўплаб топонимшунослар томонидан табиий ёки табиий-географик топонимлар гуруҳига киритилса ҳам²⁰, бироқ уларнинг номланишида жамиятдаги маълум ўзгаришлар ўз изини қолдиради. Бу ҳақидаги фикрларни эса қуйида кўриб ўтамыз:

➤ Қўқон хонлиги даврида яратилган фитотопонимларнинг аксарияти *юлғун*, *янтоқ*, *ғумай*, *жингил*, *қамиш*, *туранги*, *тол*, *чинор*, *тут*, *терақ* сингари *ёввойи ўсимликлар* ва *дарахт номларини* англлатувчи бирликлар билан ясалган. Бу турдаги номлар жойнинг ўсимликлар билан боғлиқ табиий хусусиятларини акс эттириш билан бир қаторда ёввойи ўсимлик ва ўт-ўлан номларидан ясалган топонимлар қабила ва халқларнинг чорвачилик ҳаётида муҳим ориентир бўлиб хизмат қилган: *Оқтерақ*, *Терақ*, *Майда юлғун*, *Юлғунтепа*, *Қамиштепа*, *Янтоқ*, *Туранги*, *Ғумайли*, *Марғузор (ўтзор)*²¹ каби.

¹⁹ Қўшоқова Б. Тил функционал ривожланишининг социолингвистик тадқиқи (ўзбек тили мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Фарғона, 2019. – Б. 13.

²⁰ Qorayev S. Toponimika. – Toshkent: O'zbekiston faylasuflari milliy jamiyati, 2006. – B. 52-54; Ахмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари. – Фарғона, 2009. – Б. 30-33.

²¹ Изох: мисоллар Қўқон хонлиги тарихига оид асар ва ҳужжатлардан олинди. Номларнинг аксарияти ҳозир ҳам Фарғона водийсининг турли ҳудудларида сақланиб қолган.

➤ Яқин ўтмишимизда, аксарияти мустақиллик даврида яратилган фитотопонимлар таркибини халқнинг деҳқончилик ва боғдорчилик фаолияти билан боғлиқ ҳолдаги *анжир, анор, узум, олма, ўрик, шафтоли, бодом* каби **маданий ўсимлик номлари** ҳамда *гул, лола, райҳон, бойчечак* сингари **гул билан боғлиқ номлар** ташкил қилади: *Бодомзор* (Нам. т.), *Анорзор* (Қува т.), *Узумзор* (Бувайда т.), *Шафтолизор* (Шаҳр. т.), *Бойчечак* (Фарғ. ш.) кабилар.

➤ Шўролар даврида **`пахта`** лексемаси билан ясалган топонимлар ҳам мазкур тузумнинг характерли жиҳати саналган. Фарғона водийси топонимиясидаги 20 дан ортиқ аҳоли яшаш манзиллари шу лексема асосидаги *Пахтаобод (7), Пахтакор (7), Пахтачи (4), Пахта (1), Пахтақўл (1), Пахтабўстон (1), Пахтақишлоқ (1)* номлари билан аталган ва уларнинг барчаси ўша давр маҳсули сифатида тилда ҳамон яшаб келмоқда. Айни пайтда, бундай топонимларнинг барчасини фитотопоним сифатида баҳолаш тўғри эмас, уларнинг айримлари халқнинг деҳқончилик маданияти ва касб-кори билан боғлиқ ҳолда вужудга келган номлардир.

3. Ижтимоий-сиёсий терминлар билан аталган топонимлар. Бундай топонимлар асосини маълум давр ёки тузумнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларига тааллуқли тушунчалар ва ҳодисалар номларидан таркиб топган лексемалар ташкил қилади. Ушбу парадигмага бирлашувчи жой номларини ҳам 3 та тарихий давр топонимияси мисолида таҳлил этиш мумкин: 1) Қўқон хонлиги даврига хос ижтимоий-сиёсий терминлар асосида юзага келган топонимлар: *Холматдодҳо* (Асака т.), *Мерган* (Учк. т.), *Қози-қузот* (Ўзб. т.), *Ғазначи* (Бувайда т.) каби; 2) шўролар даврига хос ижтимоий-сиёсий терминлар асосида юзага келган топонимлар: *Коммунистов, Советобод, Комсомолобод, Совет, Коммунизм, Коммуна, Партсъезд*; 3) мустақиллик даврига хос ижтимоий-сиёсий терминлар асосида юзага келган топонимлар: *Истиқлол, Мустақиллик, Озод, Истиқбол, Ҳамдўстлик, Обод турмуш* ва бошқалар.

4. Касб-хунар номлари билан аталган топонимлар. Жой номларининг бундай тури халқнинг иқтисодий турмуш тарзи: шуғулланувчи касб-кори, хўжалик фаолияти билан боғлиқ жиҳатларни, социолингвистик нуқтаи назардан ёндашилганда эса жамият ҳаётида ушбу соҳа билан алоқадор тарзда рўй берган ўзгариш ва ривожланишларни ўзида мужассамлаштиради. Шунга кўра, улар 2 катта гуруҳни ташкил этади:

1. Қадимийроқ касб-хунар лексемалари асосида шаклланган топонимлар номинациясида, даврнинг ижтимоий хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, халқнинг қўл меҳнатига асосланган темирчилик, михгарлик, мисгарлик, анжомсозлик, заргарлик, тикувчилик, тўқувчилик каби **хунармандлик фаолияти** мотив қилиб олинган: *Парпашабон* (Қўқон ш.), *Михчагар* (Бувайда т.), *Чиннигарон* (Риштон т.), *Пичоқчи* (Марғ. ш.), *Қамчипуруш* (Тошл. т.).

2. Пайдо бўлиши жуда яқин ўтмишимиз билан, яъни замоннинг тараққий этиши, илм-фан, техника ва турли соҳаларнинг ривожланиши билан боғланадиган бу турдаги топонимлар номланиши учун эса маълум **касб** ёки

мутахассислик номлари асос қилиб олинганини кўриш мумкин: *Авиасозлар* (Фарғ. ш.), *Темирйўлчи* (Кўкон ш.), *Нефтчилар* (Фарғ. т.), *Зиёкор* (Ўзб. т.), *Ўқитувчилар* (Кўшт. т.), *Иқтисодчи* (Кўрғонт. т.), *Кончилар* (Марх. т.) каби.

Иккинчи бобнинг «Фарғона водийси топонимиясининг лингвокультурологик хусусиятлари» деб номланган учинчи фаслида топонимларнинг компонентлари таркибидаги миллий маданиятни ифодаловчи тушунчалар тадқиқ этилган. Фарғона водийси топонимлари луғавий асосининг катта бир қатламини ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданиятини акс эттирувчи меҳнат қуроллари, турар жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечак, таомлар, миллий ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш, савдо-сотик фаолияти, урф-одат, чорвачилик ва деҳқончилик маданияти билан боғлиқ тарзда юзага келган лингвокультуремалар ташкил қилади. Яна бир қатлами таркибида эса халқнинг мифологик ва диний қарашларини акс эттирган мифологемаларни (*Шайтонкўл*, *Чилтонтепа*, *Жаннатбулоқ*, *Нанай*, *Ардахшон* каби) кузатиш мумкин. Топонимларнинг лингвомаданий тадқиқи туркий халқлар, ўзбек миллатининг жуда узоқ тарихга эга бўлган миллий маданияти ва қадриятлари ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Бу ҳақидаги фикрларни эса қуйидаги таснифлар асосида баён этиш мумкин:

1. Миллий ҳунармандчилик билан боғлиқ лингвокультуремалар асосида юзага келган топонимлар. Ўтмишда халқимизнинг ижтимоий ҳаётида кўл меҳнатига асосланган ҳунармандчилик фаолияти муҳим ўрин эгаллаган ва ҳудуд топонимияси таркибидан бизнинг ҳисобимизга кўра 50 га яқин ҳунар турини англатувчи лингвомаданий бирликлар сақланиб қолган. Уларни ўз ичида қуйидагича гуруҳлаш мумкин: 1) металл буюмлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда юзага келган топонимлар: *Мисгарлик* (Кўкон ш.), *Ўқчи* (Марх. т.), *Тақачи* (Пахта. т.); 2) қулолчилик билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган топонимлар: *Чиннигарон* (Риштон т.), *Тандирчилар* (Поп т.), *Кўзагарлик* (Нам. ш.); 3) тўқувчилик ҳунари билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган топонимлар: *Парпашабон* (Кўкон ш.), *Кигизчилик* (Тошл. т.), *Читгар* (Косон. т.) каби (*диссертациядаги 2.3.1-*, *иловадаги 6-жадвалга қаранг*).

2. Ишлаб чиқариш ва меҳнат қуроллари билан боғлиқ лингвокультуремалар асосида юзага келган топонимлар. Ўзбек халқининг моддий ва маданий ҳаётида ишлаб чиқариш учун зарур бўлган турли хил қурилмалар ҳамда меҳнат қуроллари ҳам муҳим роль ўйнаган. Чунончи, *тегирмон* лингвокультуремаси билан Фарғона водийсидаги 10 дан ортиқ жой номлари ясалганини кузатиш мумкин: *Кўштегирмон* (Бағд. т.), *Дашт Тегирмон* (Риштон т.), *Учтегирмон* (Кўрғ. т.), *Тегирмонбоши* (Тошл. т.), *Тегирмон* (Чортоқ т.) ва бошқалар. Шунингдек, топонимлар таркибида *обжувоз* лингвокультуремаси қатнашганини кузатиш мумкин: *Обжувоз* (Уйчи т., Фарғ. т.), *Тўпажувоз* < *Тўпобжувоз* (Пахта., Анд. т.) кабилар.

Қадимдан туркий халқларда энг муҳим меҳнат қуроллари ооч, кетмон, бел ва ўроқ ҳисобланган. Ўрганилаётган ҳудудда кенг тарқалган меҳнат қуроли *кетмон* лингвокультуремаси бўлиб, у халқнинг деҳқончилик

маданиятини акс эттириши жиҳатидан кейинчалик жой номларига муҳрланган. Бунга мисол қилиб, Косонсой туманидаги *Бешкетмон*, Фурқат туманидаги *Жангкетмон*, Ўзбекистон туманидаги *Қирқкетмон* каби топонимларни келтириш мумкин.

3. Савдо-сотик билан боғлиқ лингвокультуремалар асосида вужудга келган топонимлар. Савдо-сотик халқ ҳаётининг энг қадимий даврларида юзага келган ва, айниқса, Шарқда бозор маданиятнинг, турмушнинг, сиёсий ҳаётнинг муҳим бўлаги бўлган. Жумладан, тадқиқ этилаётган ҳудудда 20 та жой номи бевосита **бозор** лингвокультуремаси асосида ясалган бўлиб, уларнинг номланиши турличадир: а) савдо-сотик қилинадиган жойлар – бозор ва расталар, кўпинча, маълум бир маҳсулотни сотишга ихтисослаштирилган, шу хусусиятига кўра эса улар мазкур маҳсулотнинг, товарнинг номи билан аталган²². Кўкон шаҳридаги *Ёзбозори*, *Уста бозор*, Норин туманидаги *Отбозор*, Учкўприк туманидаги *Қурбозор* < *Кўрбозор* (Қурол-аслаҳа сотиладиган бозор. Фарғонада милтиқ ҳам ишлаб чиқарилган)²³ каби топонимлар шу йўсинда вужудга келган; б) Андижон шаҳридаги *Жумабозор* топонимида ҳудуднинг қайси ҳафта кунда бозор бўлганлиги муносабати асос қилиб олинган; в) Фарғона водийсидаги 10 дан ортиқ ҳудудда такрор қўлланган *Бозорбоши*, Кўштепа туманидаги *Жойбозор*, Ўзбекистон туманидаги *Ўқчи бозорбоши* кабилар номинацияда қишлоқнинг бозорга нисбатан жойлашиш ўрни топонимга мотив сифатида танланган.

4. Кийим-кечак ва таомлар билан боғлиқ лингвокультуремалар асосида юзага келган топонимлар. Халқнинг моддий маданиятини ўзида акс эттирадиган лингвокультурологик бирликлар сирасига кийим-кечак ва таом номлари ҳам киради. Бундай бирликлар кам миқдорда бўлса-да, топонимлар, жумладан, этнотопонимлар таркибида сақланиб қолган. Масалан, Хонобод шаҳри, Андижон туманларидаги *Қорақалпоқ*, Қува туманига тегишли *Қалинпўстин*, Данғара туманидаги *Бўстонлик* (*бўз тўнлик*), Жалақудук, Қўрғонтепа, Тошлоқ туманларидаги *Бўстон* (*бўз тўн*), Шаҳрихон туманидаги *Оқтўнлик*, Пахтабод туманидаги *Кўктўнлик* этнотопонимлари луғавий асосида туркий халқлар лингвомаданиятига хос бўлган **қалпоқ**, **пўстин**, **тўн** сингари лингвокультуремалар мавжуд.

Кўкон шаҳридаги *Қаймоқлигузар* топоними ҳамда Ёзёвон туманига тегишли *Бўтқачи*, Қува туманидаги *Бўзахўр*, Учкўприк туманидаги *Наймас* < *Нонемас*²⁴ этнотопонимлари таркибида (гарчи номланиши учун мазкур уруғ бошлиғининг касб-кори ёки лақаби мотивга олинган бўлса ҳам) ўзбек лингвомаданиятига хос бўлган **қаймоқ**, **бўтқа**, **бўза**, **нон** сингари лингвокультуремалар сақланган.

5. Диний эътиқод, тушунча ва тасаввурлар билан боғлиқ ҳолда юзага келган топонимлар. Топонимларнинг лингвомаданий хусусиятларини тадқиқ этишда кишиларнинг диний қарашлари ҳам муҳим

²² Усмонова С.А. Кўкон шаҳри тарихий микротопонимияси. – Тошкент, 2019. – Б. 7.

²³ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – Б. 116.

²⁴ Охунов Н. Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – Б. 36.

аҳамият касб этган. Уларнинг салмоқли қисмини этнотопоним ва антропотопонимлар доирасида ўрганиш мумкин. Жумладан, тотемлар асосида юзага келган этнонимлар жуда қадимийдир. Уларнинг пайдо бўлиши мажусийлар, яъни оташпарастлар даврига бориб туташади²⁵. Хусусан, Фарғона водийси худудидаги *Баҳрин, Қарга, Ҳакка, Олақанот, Чағали, Айрончи, Қорақушчи, Қушчи, Оқтовуқ, Шунқор, Тувадоқ, Қаҳат, Калтамой, Олақўйли, Алқор, Янги кўрна, Қоракўрна, Тулкиобод, Қўнғирот, Уйчи* каби 40 дан ортиқ этнотопонимлар тотем сифатида муқаддаслаштирилган жониворлар номини англатувчи бирликлар асосида юзага келган.

Ислом дини қабул қилинганидан сўнг муқаддас кадамжо ва зиёратгоҳларни, шунингдек, айрим кишлок, тепалик номларини пайғамбар ва авлиёлар, машҳур шайх ва имомлар, пирлар исми билан аташ уларнинг номланиши учун асосий мезон қилиб олинган: *Хизирота* (Бувайда т.), *Оқбилал* (Фарғ. т.), *Имомота* (Хўжа. т.), *Шералибува* (Тошл. т.) ва бошқалар.

Диссертациянинг «**Фарғона водийси топонимларининг этимологик таҳлили ва тузилиши**», деб номланган учинчи бобда водий топонимлари этимологияси таҳлил этилган ва структурал таснифи масалалари ёритилган.

Ушбу бобнинг «Фарғона водийси топонимларининг этимологик таҳлили» номли биринчи фаслида лингвистик, экстралингвистик омилларга асосланган ҳолда *Андижон, Ахсикент, Конибодом, Марғилон, Поитуз, Поп, Риштон, Фарғона, Хўжанд, Ўзган, Ўш, Қува, Қўқон* сингари 15 та хороним ва астионимларнинг этимологик таҳлили берилди. Жумладан, **Ўзган** – Фарғона водийсининг Қорадарё соҳилида жойлашган қадимги шаҳар номи (ҳоз. Қирғизистон Республикасининг Ўш вилоятига тегишли). Астионим дастлаб араб сайёҳлари асарлари ҳамда ХҲО да *Ўзганд // Йўзканд* тарзида²⁶, XV-XVI аср ёдгорликларида эса *Ўзганд // Ўзжанд* шаклида учрайди²⁷.

Суғдшунос П.Б.Лурье тадқиқотларида *Ўзган* астионимининг номланиши икки хил талқин қилинади. Унга кўра, астионим таркибидаги *уз // ўз* бирлигини қадимги туркий тилда фаол қўлланган *ўз* – «ўтиш жойи, дара, водий» маъноси билан ёки *уз (ўуз)* этноними билан боғлаш мумкин²⁸. Тарихчи олим И.Салимов номнинг этимологияси хусусида Лепсининг изланишларини маъқуллайди. Унда айтилишича, *Ўзган* сўзининг юзага келиши туркий халқларнинг энг қадимги бобокалони Ўғузхон номи билан боғлиқ²⁹.

Бизнинг фикримизча, *Ўзган* астионими этимологиясини ёритишда буюк аллома Маҳмуд Кошғарий маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Тарихчи олимларнинг таъкидлашича, милодий IV асрдан Марказий Осиёнинг дарё, водийларига туркий халқлар кўчиб кела бошлаган ва Фарғона водийсининг туркийлашиш жараёни ҳам айнан мана шу даврларга тўғри келади.

²⁵ Qorayev S. Ko'rsatilgan asar. – B. 87.

²⁶ Худуд ул-олам. – Тошкент: O'zbekiston, 2008; Истахрий. Китоб ул-масолик вал-мамолик. БГА, 1-жилд; Муқаддасий. Аҳсан ул-тақосим фи маърифати ул-ақолим. БГА. 3-жилд.

²⁷ Мухаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Шарқ, 2010.

²⁸ Лурье П.Б. Кўрсатилган ... дисс. – С. 103.

²⁹ www.google.com // <https://govori.tv> > uzgen > uzgen

Жумладан, Ўзган шаҳрининг туб аҳолиси ҳам қадимдан ушбу халқ вакиллари бўлиб, ДЛТ да қайд этилишича, ўша даврда Ўзжанд [Ўзган] да турувчи туркий қабилалардан бирининг номи *اذکش ezgiiu* деб аталган {ДЛТ, 1-жилд. б. 83}. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, туркий халқлар ҳаётида Ўзган шаҳрининг аҳамияти ва нуфузи жуда катта бўлиб, шаҳар XI – XIII асрларда мазкур қавм вакиллари томонидан асос солинган Қорахонийлар давлатининг Фарғона улуси пойтахти деб эълон қилинган. Қайд этилган маълумотлар эса, ўз навбатида, астионим таркибидаги *уз // ўз* бирлигини географик термин эмас, балки туркий этноним сифатида баҳолашга имкон яратади. Чунончи, тарихчи ва этнограф олим А.Қаюмовнинг «Ўзбек қабилалари ва уруғлари»³⁰ деб номланган мақоласидаги хулосаларни эса фикримизнинг исботи сифатида келтириб ўтамиз. Ушбу тадқиқотда 92 бовли ўзбек уруғлари таркибида мавжуд бўлган энг қадимги туркий қавмлардан бири *уз // ўз* этноними ҳақида сўз юритилиб, мазкур қabila дастлаб VI-VII асрларда Ғарбий Турк хоқонлиги таркибида пайдо бўлганлиги ва уларнинг Фарғона водийсига келиб ўрнашишлари VIII-X асрларга тўғри келиши айтиб ўтилади. *Уз // ўз* қабиласининг ўтроқ ҳолатда ҳаёт кечиришлари натижасида эса бу уруғ номи билан аталган кўплаб топонимлар юзага келган. Масалан, Сирдарёнинг чап қирғоғи орасида жойлашган шаҳар ва Урал дарёси ғарбидаги жойлар *Узканд // Ўзганд* деб номланган. Сирдарёнинг ўрта оқимидаги икки туман – *Ички Ўзганд* ва *Ташқи Ўзганд* номи билан, ўша ердаги кўл эса *Ўз* номи билан юритилган. Шунингдек, тадқиқот хулосасига кўра, биз сўз юритаётган *Ўзган* астионими ҳам бевосита мазкур уруғ номи билан боғлиқ равишда юзага келган. Демак, Ўзган этнотопоними этимологияси 92 бовли ўзбек уруғи саналган *уз // ўз, аз* қabila номларидан келиб чиққан бўлиб, унинг шаклланиши қуйидагича: *Ўзганд // Ўузканд // Ўзжанд > Ўзган*. Астионим таркибий жиҳатдан икки тополексемадан иборат, яъни *ўз* – «уруғ, қabila номи» ҳамда *ганд // жанд > ган* – «шаҳар» маъносини англатиб, *Ўзган* – «ўз қабиласи шаҳри» ёки «ўз уруғи вакиллари яшайдиган жой» сифатида талқин этилади.

«Топонимларнинг структурал таснифи», деб аталган учинчи бобнинг иккинчи фаслида топонимларнинг тузилишига кўра турлари, морфологик асослари таҳлили берилди. Фарғона водийси топонимларини таркибий тузилишига кўра қуйидаги турларга ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. Содда топонимлар. Ўрганилаётган ҳудуд топонимиясининг 55 % ни содда топонимлар (СТ) ташкил қилади ва улар морфологик асосига кўра *от, сифат* ҳамда *феъл асосли* СТ ларга бўлинади (*диссертациядаги 3.2.1-, иловадаги 5-жадвалга қаранг*). Ўз ичида 2 гуруҳга ажратиб ўрганилади:

а) содда туб топонимлар – таркиби фақат битта асосдан ташкил топган, синхроник нуқтаи назардан туб деб қараладиган ва ҳеч қандай морфематик бўлакларга ажратилмайдиган номлардир: *Фарғона* (Фарғ. ш.), *Хонақо* (Асака т.), *Авзон* (Анд. т.), *Навоқ* (Булоқб. т.), *Чодак* (Поп т.), *Шакар* (Кўшт. т.).

³⁰ www.google.com//media2.yangidunyo.org > uz

б) содда ясама топонимлар – таркиби луғавий асос ва ясовчи аффиксдан иборат номлардир. Фарғона водийси топонимияси таркибида уларни, асосан, **-и, -лик, -чи, -ча, -ма, -ия** аффикслари воситасида ясалганлиги кузатилади: *Қашқари* (Бағд. т.), *Қашқарлик* (Избоск. т.), *Қоратегинчи* (Жалақ. т.), *Найманча* (Тўрақ. т.), *Кўтарма* (Хўжа. т.) каби.

2. Қўшма топонимлар. Бу тузилишдаги топонимлар бирдан ортик луғавий асосдан иборат бўлади ва синтактик (композиция) усулда ясалади. Ўз ичида эса 2 турга ажратилади:

а) икки асосли топонимлар. Улар қўшма топонимларнинг асосини ташкил қилади. Фарғона водийси топонимиясида икки асосдан иборат топонимларнинг от + от, сифат + от, сон + от, от + сифат, от + феъл, феъл + от сингари ясалиш типлари ва моделлари мавжудлиги аниқланди: *Омонариқ* (Балиқ. т.), *Каттабулоқ* (Балиқ. т.), *Учариқ* (Ришон т.), *Соҳилобод* (Тўрақ. т.), *Сойкелди* (Қува т.), *Қайнарбулоқ* (Бешар. т.), *Қолгандарё* (Мингб. т.) каби.

б) мураккаб топонимлар. Ушбу топонимлар уч ёки ундан ортик компонентларнинг қўшилуvidан хосил қилинади. Фарғона водийси топонимиясида уларнинг аксарияти икки асосли топонимларга объектнинг жойлашув ўрни, ҳажми ва хусусиятини билдириб келувчи **катта – кичик, эски – янги, пастки – юқори** сингари функционал индикаторларни қўшиш орқали ясалади: *Юқори Хўжа Ҳасан, Пастки Хўжа Ҳасан* (Қува т.), *Юқори Сойбўйи* (Фарғ. т.), *Эски Ҳаққулобод* (Балиқ. т.), *Кичик Тошбулоқ* (Нам. т.). Шунингдек, ушбу фаслда қўшма топонимлар таркибида қатнашган ТИ лар ҳақида ҳам маълумот берилиб, уларнинг статистик таҳлили келтирилди (*диссертациядаги 2-, иловадаги 8-жадвалга қаранг*).

ХУЛОСА

1. Фарғона водийси топонимлари узоқ тарихий тараққиёт маҳсули бўлиб, уларни бир-биридан фарқланувчи бир неча даврларга бўлиб ўрганиш мумкин. Топонимларнинг даврлар бўйича қиёсий-тарихий таҳлили шуни кўрсатадики, энг қадимий даврда яратилган топонимларнинг луғавий асосида суғд тили, араблар истилосидан кейин араб, форс-тожик, қисман мўғул, шўролар даврида эса рус тилининг таъсири кучли бўлган. Асосий қисмини эса умумтуркий ва ўзбекча лексемали топонимлар ташкил қилади.

2. Топонимларни турли даврлар бўйича қиёсий-тарихий ўрганиш натижасида уларнинг таркибида узоқ вақт мобайнида содир бўлган фонетик, лексик ва грамматик ўзгаришлар аниқланди. Топонимлар таркиби ўзга тилларга оид лексема ва фонетик қурилмалардан ташкил топган бўлса ҳам, узоқ тарихий вақт давомида уларнинг талаффузи ҳамда ёзилиши туркий тиллар табиатига мослашган. Шунингдек, топонимларни маълум давр ва босқичлар бўйича қиёсий ўрганиш уларнинг илк шакли ва тарихий вариантларини аниқлаш имконини берди.

3. Топонимларда ўзбек халқининг кундалик турмуш тарзи, оламни ўзига хос кўриш ва идрок этиш тарзи, ном эгасининг исм ижод қилишдаги топқирлиги, тил лексемаларидан ўринли фойдаланишдаги маҳорати кабилар

Ўз ифодасини топган. Топонимларнинг номланиш жараёни марказида инсон турган бутун бир фаолият маҳсули экан, уни антропоцентрик ёндашув доирасида тадқиқ этиш муҳимдир.

4. Фарғона водийси топонимиясида объектлар нисбийлик, негативлик ҳамда позитивлик тамойили асосида номланган бўлиб, бунда позитивлик тамойили фаол қўллангани кузатилади. Позитивлик тамойилида инсон омили томонидан жойнинг табиий-географик ва ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари мотивга олинади.

5. Тилнинг луғавий бойлиги сифатида топонимлар яшовчан ва турғундир, бироқ тарихий шароит ва сиёсий тузум, мафкуравий нуқтаи назарга кўра эса ўзгарувчандир. Буларнинг барчаси унинг лексик қатламида акс этади ва топонимлар тадқиқига социолингвистик жиҳатдан ёндашишни тақозо этади.

6. Топонимлар ўзбек тилининг тарихий ва маданий тил бирлиги сифатида ўзида халқнинг диний-мифологик қарашлари, урф-одатлари, кадриятлари ҳамда турмуш тарзига доир муҳим маълумотларни мужассамлаштиради. Уларни лингвокультурологик жиҳатдан тадқиқ этиш тил ва маданият муносабати, қолаверса, халқнинг маданий қарашларини ёритишга хизмат қилади.

7. Фарғона водийси топонимиясини лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ этишда унинг таркибидаги халқнинг моддий-маънавий маданиятини акс эттирувчи меҳнат қуроллари, турар жой, кундалик турмуш буюмлари, кийим-кечак, таомлар, миллий ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш, савдо-сотик фаолияти ва урф-одатлари билан боғлиқ тарзда юзага келган лингвокультуремалар ҳамда диний-мифологик тасаввурлар асосида пайдо бўлган мифологемалар муҳим аҳамиятга эга.

8. Топонимларнинг этимологик таҳлилида уларнинг яратилиш даври ва замонини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳар қандай топонимнинг лисоний таркиби, сўз ва қўшимчалари, уларнинг маънолари ва бирикуви, номланишга асос бўлган ижтимоий-лисоний омиллар ўша давр воқелиги билан баҳоланиши, изоҳланиши лозим.

9. Ўрганилаётган ҳудуд топонимлари тузилишига кўра, содда ва қўшма таркибли топонимларга бўлинади, уларнинг 55 % ни содда таркибли топонимлар ташкил қилади. Топонимларнинг ясалишида аффиксация усули нофаол, композиция ва конверсия усуллари фаол ҳисобланади.

10. Ўзбекистоннинг истиқлол даври топонимик сиёсати Фарғона водийси топонимиясининг миллийлашуви ва меъёрлашувига асос бўлди ҳамда топонимларнинг тарихий шакл ва вариантларини истеъмолга қайтишига хизмат қилди.

**SCIENTIFIC COUNCIL AWARDING
SCIENTIFIC DEGREE DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02
AT FERGHANA STATE UNIVERSITY**

FERGHANA STATE UNIVERSITY

JURABOEVA GULRUKH SOLIJONOVNA

**COMPARATIVE-HISTORICAL AND ANTHROPOCENTRIC STUDY
OF TOPONYMS OF FERGHANA VALLEY**

10.00.01. – Uzbek language

**DISSERTATION ABSTRACT FOR DOCTOR OF PHILOSOPHY
IN PHILOLOGICAL SCIENCES (PhD)**

Ferghana – 2021

The theme of PhD dissertation is registered by Supreme Attestation Commission at the Cabinet of Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number B2021.2.PhD/Fil293

The dissertation has been prepared at Ferghana State University.

The abstract of the PhD dissertation is posted in three (Uzbek, English and Russian (Resume) languages on the website of the Scientific Council (www.fdu.uz) and on the website «ZiyoNet» Information-educational portal (www.ziynet.uz)

Scientific consultant: Shukurov Rakhmatulla Mirzatillayevich,
Candidate of Philological sciences, docent

Official opponents: Ulukov Nosirjon Mukhammadaliyevich,
Doctor of Philological sciences, professor

Enazarov Tolib Djumanazarovich,
Doctor of Philological sciences, professor

Leading organization: Jizzax state pedagogical institute

Defense of the Dissertation will take place on «19» 10 2021, at 10⁰⁰ p.m. at a meeting of Scientific Council DSc. 03/30.12.2019.Fil.05.02 under Ferghana State University (Address: 19, Murabbiylar Street, Ferghana, 100151. Tel: (99873) 244-66-02; fax: (99873) 244-44-01; e-mail: info@fdu.uz).

Dissertation could be reviewed information-resource center of Ferghana State University (registration number 129). Address: 19, Murabbiylar Street, Ferghana, 100151, Tel.: (99873) 244-71-28.

Dissertation abstract sent out on «7» 10 2021.
(Mailing report number 35 on «7» 10 2021).



Sh.M.Iskandarova
Scientific Council Awarding
degree, Doctor of Philological sciences,

M.T.Zokirov
Secretary of Scientific Council Awarding scientific
degree, candidate of sciences, docent

A.B.Mamajonov
Chairman of Scientific Seminar at the Scientific
Council awarding scientific degree,
Doctor of Philological sciences, Professor

INTRODUCTION (annotation of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD))

The actuality and significance of the dissertation work. In recent years of the world linguistics, the study of language, including toponyms, has become one of the important issues in relation to extralinguistic factors such as the individual characteristics of the human factor, the sociolinguistic environment, culture and mentality of people. The anthropocentric paradigm that emerged on the basis of these views radically changed some of the conclusions formed within the framework of the immanent approach, due to which the person who possessed the language (speech) came to the central place of the studies. In this regard, dictionaries of toponymy, as well as maps, created within the anthropocentric paradigm in world linguistics, have an important practical significance for the development of the field.

Nowadays in the world of linguistics, a number of new directions of the anthropocentric paradigm like sociolinguistic, linguacultural, pragmatic, psycholinguistic and neurolinguistic, have emerged. As of today, the study of toponyms on the basis of new paradigms, as well as all units of onomastics are on the agenda. In this regard, the analysis of linguocultural and socio-linguistic features of toponyms in the study of national and cultural identity of the people, national perception of the world and, on this basis, revealing the important information on religious and mythological views, customs, values and socio-political life, enlightening the evolutionary development of the language have become significantly important.

In Uzbek linguistics the studies within the anthropocentric paradigm is currently the main focus of comparative and textual research. This, in turn, puts before the field of toponymy the task of studying the toponymy of the whole region of the republic, including the Fergana Valley, on the basis of modern linguistic achievements. "When we say "Fergana", we mean, first of all, an ancient and beautiful country with ancient civilizations, rich history and culture, such as Quba, Margilan, Kokand ... The famous architectural monuments of this land, such as Akhsikent, Munchoktepa, Ayritom, Mugtepa testify to the development of a unique civilization and rich culture in this region"³¹. In this regard, the study of sociolinguistic and lingvoculturological features of the toponyms of the target area is one of the important tasks facing the field.

The given dissertation has been fulfilled according to the requirements of the following laws and regularities as the decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated on February 7, 2017 "The actions strategies on the further development of the Republic of Uzbekistan", PD - 4947; February 17, 2017, PD-2789 "Activities of the Academy of Sciences, organization of research, on measures to further improve management and financing"; the law-304 of the Cabinet of Ministry "On further development of the postgraduate education"; PD -

³¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамыз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 45-73.

5850 on October 21, 2019 “Measures on the increase the status of the Uzbek language as the state language”; PD-6084 on October 20, 2020 “Measures on the development of the Uzbek language and the language policy”; PD-6097 on October 29, 2020 “On adopting the developmental conception of the science until 2030”.

The appropriateness of the research to the prior directions of the development of science and technologies.

This research was carried out in accordance with the priorities of the development of science and technology of the republic 1. "Formation of a system of innovative ideas and ways to implement them in the social, legal, economic, cultural, spiritual and educational development of an informed society and democratic state".

The scope of study of the problem.

The first studies on Central Asian toponymy in the world linguistics were carried out by A.Vamberi, Jules Tonnele³². Toponymy as an independent field was formed in the late XIX and early XX centuries by A.H.Vostokov, N.I.Nadezhdin, V.V.Bartold, I.A.Shegren, M.A.Kastren, A.P.Dulzon. The scientists such as E.M.Murzaev, A.I.Popov, V.A.Nikonov, V.N.Toporov, A.K.Matveev, Yu.A.Karpenko, E.M.Pospelov, A.V.Superanskaya studied the theoretical bases of toponymy³³.

The scientific study of toponyms in Uzbek linguistics began in the 60 s of the XX century. In particular, Kh.Khasanov, T.Nafasov, S.Qoraev, Z.Dosimov, B.Urinbaev, T.Rahkmatov, L.Karimova, T.Enazarov, N.Okhunov, N.Ulugov, S.Nayimov, A.Turobov, A.Otajonova, O.Begimov³⁴ collected important scientific

³² Вамьери А. Путешествие по Средней Азии. – Москва, 1874. – 383 с.; Чабров Г. Из истории изучения Средней Азии (Описание Кокандского ханства Жюля Тоннелье, изданное в Париже в 1869 г.) // Известия Узбекистанского филиала географического общества. Т. IV. – Ташкент: Наука, 1962. – 190 с.

³³ Надеждин Н.И. Опыт исторической географии русского мира. Библиотека для чтения. – 1837. – т.22, от.3. – 28 с.; Мурзаев Э.М. Очерки топонимики. – Москва: Мысль. 1974. – 382 с.; Словарь народных географических терминов. – Москва: Мысль, 1984. – 653 с.; Топоров В.Н. Из области теоретической топонимологии // Вопросы языкознания. – 1962. № 6. – С. 9-12; Дульзон А.П. Этнолингвистическая дифференциация тюрков Сибири // Структура и ист. Тюркских языков – Москва, 1971. – С. 198-208; Матвеев А.К. Ареальные исследования и этимологизация субстратных топонимов // Пробл. Картограф. В языкозн. И этнографии. – Ленинград, 1971. – С. 69-70; Никонов В.А. Введение в топонимику. – Москва, 2011. – 184 с.; Карпенко Ю.А. Топонимика Буковины. – Киев: Изд-во КГУ, 1973. – 242 с.; Пospelov Е.М. Топонимика в школьной географии. – Москва: Просвещение, 1981. – 144 с.; Топонимический словарь. – Москва: Астрель, 2005. – 332 с.; Суперанская А.В. Что такой топонимика? – Москва: Наука, 1985. – 182 с.; Общая теория языка имени собственного. – Москва, 1973. – 366 с.

³⁴ Хасанов Х. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. – Тошкент: Фан, 1965. – 80 б.; Нафасов Т. Топонимы Кашкадарьинской области: Автореферат дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1968. – 24 с.; Qoraev S. Toponimika. – Toshkent: O'zbekiston faylasufi milliy jamiyati, 2006. – 320 b.; Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 104 б.; Рахматов Т. Топонимия города Самарканда и его окрестностей: Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Москва, 1973. – 31 с.; Каримова Л. Ўзбек тилида топонимларнинг ўрганилиши. – Тошкент: Фан, 1982. – 96 б.; Эназаров Т. Шахрисабз худуди жой номларининг тарихий-киёсий тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1993. – 163 б.; Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослари ва этимологик тадқиқи йўллари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2006. – 216 б.; Улуков Н. Ўзбек тили гидронимларининг тарихий-лосоний тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2008 – 192 б.; Туробов А.М. Самарқанд вилояти этноним ва этноойконимларининг тахлили: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 21 б.; Отажонова А. Хоразм этнотопонимлари ва уларнинг луғавий асослари: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1997. – 6 б.; Бегимов О.Т. Жанубий Ўзбекистон топонимларининг ўзлашма қатлами: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 27 б.

observations on the linguistic features, history, etymology of the toponyms in the territory of Uzbekistan.

The works on the study of toponymy of some regions, districts and cities of Fergana Valley are reflected in the research of such scientists as N.Ahunov, J.Latipov, S.Gubaeva, Yu.Ahmadaliev, A.Ergashev, Yu.Nematova³⁵. In spite of this, there were no scientific studies devoted to the specific investigations of the issues of periodization of the toponymy of Fergana Valley and their sociolinguistic and linguocultural features. Therefore, this requires a monographic study of this research topic.

The relevance of the research to the research plans of the Higher Education Institution where the dissertation was completed. The dissertation was fulfilled in accordance with the research plan of Fergana State University within the field of "Problems of lexicology of the Uzbek language".

The aim of the research is to study the existing materials of toponymy of Fergana Valley on comparative-historical and anthropocentric paradigms.

The tasks of the research:

to analyze and describe the scientific research on the study of the toponymy of Fergana Valley;

to study the history of the formation of the toponymy of the region, periodicity, taking into account the lexical layers, and their comparative-historical study in diachronic and synchronic aspects;

to analyze the phonetic, lexical and grammatical changes in the structure of toponyms during their development, and on this basis to determine their variants;

to highlight the specific mental nature and social linguistic features of toponyms;

to study the etymology, structure and construction models of regional toponyms.

The object of research is more than 4,000 toponyms of Fergana Valley, recorded in historical sources and documents, statistical references, as well as collected during independent research and dialectological expeditions.

The subject of the research is the sociolinguistic, linguocultural and structural-semantic features of the toponymy of the Fergana Valley.

³⁵ Охунов Н. Топонимлар ва уларнинг номланиш хусусиятлари. – Тошкент: Фан, 1989. – 56 б.; Жой номлари таъбири. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994. – 86 б.; Топонимия Кокандской группы районов: Автореферат дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1978. – 23 с.; Ўзбекистон топонимияси. – Қўқон, 2005. – 90 б.; Охунов Н., Ахмадалиев Ю. Фарғона вилояти ойконимларининг номланиш хусусиятлари. – Фарғона: Фарғона, 2010. – 128 б.; Ахмадалиев Ю. Фарғона вилояти топонимлари. – Фарғона, 2009. – 140 б.; Латипов Дж. Топонимия города Маргилана и его окрестностей (лингвистический анализ): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1975. – 26 с.; Губаева С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. – Ташкент: Фан, 1983. – 104 с.; Этнонимы в топонимии Ферганской долины: Автореф. дис. канд. истор. наук (Ин-т этнографии АН СССР). – Москва: 1973. – 20 с.; Ферганская долина. Этнические процессы на рубеже XIX-XX вв. // [http:// dnb.d-nb.de](http://dnb.d-nb.de). www.ingimage.com; Эргашев А. Андижон вилояти этнотопонимларининг ареал-ономастик тадқиқи: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 2012. – 135 б.; Нейматова Ю. Наманган вилояти ойконимларининг тарихий-лисоний тадқиқи: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. – Фарғона, 2018. – 147 б.

The research methods. The methods of linguistic description and classification, statistical and etymological analysis, as well as comparative-historical and anthropocentric research methods have been used in the dissertation.

The scientific novelty of the research is determined by the following:

the origin, ethnogenesis and lexical layers of toponyms are studied on the basis of historical sources, documents and statistic data, the stages of their formation and development are periodically based; it is identified that the ancient toponyms were mainly influenced by Sugd language, after arab conquer Arabic and Persian, Uzbek and partly Mongolian languages, during the period of Russian authority by Russian language;

as a result of historical development, its composition has undergone phonetic, lexical and grammatical changes and created more than one variant at different stages (*Labbaytag'o // Labbaytog'a; Isbosgan // Izbosgan; Bob / Pob // Pop; Chamash // Chamashbiy // Chamoch*), complrtly changed its name for various socio-political reasons (*Miyon Rudon – Rabotak; Qoratepa – Muyi Muborak; Obi Xon – Oxna*), or as a result of the destruction of the object toponyms (*Voskat, Yashokh, Orasht, Kashokas*) are defined;

the social, political, linguistic aspects of the change and naming of toponyms, formed on the basis of anthropotponyms, phytotponyms, socio-political terms and called by professional names are proved on the basis of historical, economic, cultural, ideological conditions of each period;

religious, national, ethnic features of toponyms on the basis of labor cultures, clothing, food, national handicrafts, production, trade activities, reflecting the material and spiritual culture of the Uzbek people, as well as mythologems and religious views reflecting the mythological and religious views of the people explained.

The practical results of the research are as follows:

